


Бу кунингга шукр қил!



10:40 / 06 январь 1155

Ажойиб бир рамзий қисса бор. Бир киши хотини билан товуқ еб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди. Хотини бориб қараса, тиланчи экан. Хотин тиланчига еб турган овқатидан беришни хоҳлаган эди, эри жеркиб ташлаб: «Тиланчини эшик олдидан ҳайдаб юбор», деди. Хотин уни ҳайдаб юборди. Кейинчалик эр-хотин орасига совуқлик тушиб, эр хотинини талоқ қилди. Сўнгра бошқа бир киши келиб, совчи қўйди ва ўша хотинга уйланди. Кунларнинг бирида хотин кейинги эри билан товуқ еб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди. Хотин эшикни очиш учун борса, тиланчи экан. Хотин тиланчини кўргач, қийин аҳволга тушиб қолди. Эри: «Эшикни тақиллатган ким экан?» деса, хотин: «Аввалги эrim» деди. Шунда кейинги эри: «Бир неча йил аввалги эшигинг тагига келган тиланчи ҳам мен эдим», деди.

Ал-Жаббор сифатига эга Аллоҳ бандасини Ўзи иродада қилган нарсасига йўллади. Бир банда у нарсани хоҳласа ҳам, бошқаси бу нарсани хоҳласа ҳам, Аллоҳ хоҳлаганини амалга оширади. Шундай бўлгач, ҳар бир ўтаётган кунингга шукр қил.

Анвар Турсунов тайёrlади

«Ҳилол» журнали 5(62) сон